

Урганч шаҳар

“MEVAZOR OZIQ-OVKAT TA’MINOT” МЧЖ бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбари **Ш. Шарипов** фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва **Урганч шаҳар Мактабча таълим бўлими** бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан раҳбари **Д.Кубаков** фаолиятини кўрсатувчи, иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки қилиб (доимий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувига) беради, «Харидор» эса мол-мулкнинг ҳақи тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2.

№	Махсулот тури	Ўл. бир.	Миқдори	Нархи ККСсиз	Умумий қиймати ККСсиз
1	Мол гушти	Кг	350	62491	21871850
	Жами:				21 871 850

2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (қиймати)

2.1. Шартноманинг умумий қиймати ККСсиз йигирма бир миллион саккиз юз етмиш бир минг саккиз юз эллик сўмни ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари

3.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган махсулот миқдори суммасининг 30 фоизини олдиндан 3 банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади. Қолган 70 фоизи махсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин 3 банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури: пул ўтказиш

4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган махсулот «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин 3 кун вақт ичида етказиб берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022 йил « 18 » январдан 2022 йил «31» декабригача ўз кучида қолади.

5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1. «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотларни ўз вақтида ва сифатли махсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.1.2. «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.2.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, махсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. «Сотувчи» мажбурияти: **ВМ 08.05.2019** йилдаги **386-қарорига** асосан «Сотувчи» «Харидор»га **гўшт махсулотларини етказиб беришда ихтисослаштирилган замонавий сўйиш корхонасининг Ф-200 шаклдаги маълумотномасини тақдим қилиш.**

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га махсулотни бериш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган махсулот баҳоси миқдоридаги пул маблағини қайтариб бериш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Махсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида махсулотни қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган махсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.

6.2.3. Махсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, «Сотувчи» «Харидор»га кечиктирилган хар бир кун учун товар етказиб берилмаган махсулотнинг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

7.2. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи махсулотни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган махсулот қийматининг 0,5 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан ақецитсиз тартибда ундириб олинади.

7.3. Етказиб берилган махсулот ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун «Харидор» «Сотувчи»га ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, аммо шартнома суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

Тарафларнинг жавобгарлик ҳолатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» Қонуни бўйича амалга оширилади.

7.4. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8. Форс-мажор ҳолатлари

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар қўриб чиқарилиши, БЕКМИРЗА УБАЙДУЛЛА МИРШАРИПОВ НА ХУЖЖАТ РАҚАМИ ККСС 8861001503

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Хужжат коди: KO11800358

8.2. Агар баргараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

9. Низони ҳал қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

9.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий судлар орқали ҳал қилинади.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш, қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилиб, газначилик булимидан руйхатдан утказилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий судига мурожаат қилиши ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

11. Бошқа ҳолатлар

11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

11.2. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-594 сонли қарорига асосан Газначиликда руйхатга олингандан кейин қонуний кучга кирилади.

11.3. Тарафларнинг бошқа талаблари: _____

12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари

«ИЖРОЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

«MEVAZOR OZIQ-OVQAT TA'MINOT» МЧЖ	Урганч ш. Мактабгача таълим булими
Манзили: Урганч т. Мевазор-28 уй	Манзили: Урганч ш. Шероз кучаси 29-уй
Тел/факс: (+998 93) 619-00-22	Тел/факс: 228-48-52
х/р: 20 208 000 905 474 047 001	ш х/р: 100022860334017091100251001
	ш х/р: 4005228603340170911002510034
Банк: АТ «Туронбанк» Урганч филиали	ИНН: 305155451
МФО: 00551	ОКЭД: 92400
ИНН: 309 161 918	Молия вазирлиги газначилиги
ОКЭД: 46110	Газна х/р: 23402000300100001010
	Банк номи: М.Б. ББ ХККМ Тошкент шаҳри
	МФО: 00014
	ИНН: 201122919

М.Ў. _____ Ш. Шарипов

М.Ў. _____ Д. Куваков
(Имзо) (Ф.И.О.)

Хуқуқшунос: _____
(Имзо) (Ф.И.О.)

